

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ВА ДИНИЙ ТАЪЛИМ

**Рустамов Бобомурод Холбута ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита Зиёрат туризмини ривожлантириш биълими бошлиғи, Ўзбекистон халқаро ислом академияси мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Мақолада сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда дин ва диний соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар ҳақида сўз борган. Хусусан, виждон эркинлиги ҳамда диний таълимнинг ҳуқуқий асослари, фуқаролар учун диний таълим борасида яратилган имкониятлар батафсил очиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *Янги Ўзбекистон, виждон эркинлиги, диний таълим, дунёвий таълим, диний таълим муассасалари.*

## РЕЛИГИЯ И РЕЛИГИОЗНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация:** *В статье раскрываются кардинальные изменения в религиозной сфере, произошедшие в Новом Узбекистане за последние годы. В частности, подробно описаны правовые основы соблюдения свободы совести и правовые основы религиозного образования, возможности, созданные для граждан в сфере религиозного образования.*

**Ключевые слова:** *Новом Узбекистане, свобода совести, религиозное образование, светское образование, религиозные учебные заведения.*

## RELIGION AND RELIGIOUS EDUCATION IN NEW UZBEKISTAN

**Annotation:** *The article talks about major changes that have taken place in New Uzbekistan in recent years in the field of religion. In particular, the legal basis for observing freedom of conscience and the legal basis for religious education, the opportunities created for citizens in the field of religious education are described in detail.*

**Keywords:** *New Uzbekistan, freedom of conscience, confession, religious education, secular education, religious educational institutions, theology, madrasah.*

Дунё миқёсидаги олиб борилган илмий изланишлардан маълум бўладики, диний таълим нафақат диннинг ривожланиш йўналишини йўналтиради балки унинг мазмуни, сифати ва натижалари дин ривожига бевосита таъсир қилади. Самарали равишда йўлга қўйилган диний таълим динни яхши ва соғлом йўналишда ривожланишига йўналтиради.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган илк кунларданок барча соҳалар баробарида диний-маърифий соҳага эътибор бериб келди. Бироқ мамлакатимизда

сўнги йиллада барча йўналишларда туб ўзгариш ва ислохотлар амалга оширилди ва биз бу даврни алоҳида давр яъни Янги Ўзбекистон деб атадик.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсадли халқимиз учун эркин, обод ва фаравон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир [1:12].

“Янги Ўзбекистон” ғояси замирида буюк аجدодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассамдир.

Янги Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар қатори диний-маърифий жабҳада, хусусан, турли диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтириш борасида жиддий ва салмоқли қадамлар ташланди.

Янги даврда ислом динининг мўътадил таълимотини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, унинг маърифий кучини бунёдкорлик ва илм-фан ривожига йўналтириш, буюк мутафаккир аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш орқали жамоатчилик, айниқса, ёшларда диний маърифатни юксалтириш, маънавиятимизга ёт бўлган ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз бугун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” [2:2].

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб бериш» [3:485] вазифаси кўйилган.” [4:14].

Айниқса, халқаро диний эркинликлар соҳасидаги экспертлар, соҳа мутахассислари мамлакатимизга ташрифи чоғида диний эркинликни таъминлаш, амалдаги нормаларни соддалаштириш, радикализмга қарши курашиш, шунингдек, жаҳолатга қарши – маърифат борасидаги амалий ишларга ўзлари бевосита гувоҳ бўлмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги асосий тамойил ҳамда ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Бунда, асосий эътибор “жаҳолатга қарши маърифат” ғоясига қаратилган бўлиб, ёшларнинг билим доирасини кенгайтириш, уларни аждодларимизнинг асарларида келтирилган эзгу ғоялар асосида тарбиялашга алоҳида урғу берилмоқда.

Айнан таълим-тарбия ва маърифат жамият барыарорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди [5:285].

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш, диний таълимотни ўрганиш йўналишида самарали ишлар амалга оширилди.

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга мактаб ва мадрасалар, илмий маърифий марказлар ташкил этилмоқда [6:290].

Ўрни келганда, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қабул қилинган Қонуни – конфессиялараро тотувликни таъминлаш, жамиятда турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро бағрикенглик, ҳамжихатликни янада мустақкамлашда, шубҳасиз, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Заминимизда қадим замонлардан буён Ислом дини билан бир қаторда бошқа динлар бир-бирига дахл қилмай, ривожланиб ва жамиятнинг маънавий юксалишига ҳисса қушган [7:232].

Яна бир муҳим масала: сўнгги 5 йилда диний таълим тизими тубдан такомиллаштирилди, янгидан-янги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирда дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон халқаро ислом академияси, шунингдек, Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 10 та ўрта махсус ислом билим юрти, православ ва протестант семинариялари ҳам фаолият юритмоқда.

Аҳамиятли томони, ислом илм-фани ва маданиятининг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиқ бериш мақсадида охириги беш йилда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот, Қашқадарёда Абул Муин Насафий мажмуаси ташкил этилди.

Қолаверса, Бухоро вилоятида “Тасаввуф”, Қашқадарё вилоятида “Ақида”, Фарғона вилоятида “Ислом ҳуқуқи”, Самарқанд вилоятида “Ҳадис” ва “Калом” илмий мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 февраль куни Фарғона вилоятига ташрифи давомида Бурхониддин Марғинович меросини чуқур ўрганиш мақсадида “Бурхониддин ал-Марғинович” номидаги фиксшунослик йўналишида ўрта махсус таълим муассасаси ва Бурхониддин ал-Марғинович халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш топшириғи берилди.

Мамлакатимизда ислом маданияти, илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларини обод этиш, муқаддас динимиз мусаффолигини асраш, аҳоли, айниқса, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни Ватанга садоқат, бошқа дин вакиллариغا нисбатан бағрикенг ҳамда миллий-диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ушбу жараёнларни аҳоли, қолаверса жаҳон ҳамжамиятига етказиш, кенг тарғиб этиш, диний-маърифий ҳаётдаги янгиликларни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш йўналишида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Диний таълим ва тарбия эса бу одамларнинг маъно излашига энг тўғри жавоб берадиган ва одамларга ўз мавжудлигини, эътиқодини, ҳаётини, улар яшаётган дунёни, ўлимни ва ундан кейинги нарсаларни тушунишга ёрдам берадиган таълимдир. Бу тарбия инсонларни яхшиликни, ҳақиқатни ва гўзални аниқлашга, ўзи, яратувчиси, оиласи ва жамияти билан яхши муносабатларни ривожлантиришга, ахлоқ, эзгулик ва фазилатни трансцендент метафизик қадриятлар билан биргаликда топиб яшашга йўналтиради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон минг йиллар давомида илм-фан, маданият марказлари ҳамиша тараққий топган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакиллариغا ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлгани табиий. Шунинг учун бугунги кунда ҳам ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб бормоқда ва бу диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ўткир сиёсат ҳақиқий маънода, дунё мамлакатларида тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”, Тошкент 2021 й, 12-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи “Халқ сўзи газетаси” №194-сон 2-б.
3. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1 - том 2017. – Б. 485.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т.,Ўзбекистон: НМИУ, 2016. 14-б.
5. Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси”, “Маърифий ислохотлар ва баркамол инсон тарбияси” Тошкент 2021, 285-б.

6. Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” “Маърифий ислоҳотлар ва баркамол инсон тарбияси” Тошкент 2021, 290-б.

7. “Диний бағрикенглик тамойили ёшлар талқинида” Тошкент 2015, 232-б.